



**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG‘OT
TUMANI HOKIMINING
FARMOYISHI**

2020 - yil 1 - декабр 228ф -son

Бог‘от shaharchasi

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4102-сонли қарори ва бу юзадан вилоят ҳокимининг 2019 йил 11 январдаги 12к-сонли қарори ҳамда туман ҳокимининг 2019 йил 18 январь 145к-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида сектор раҳбарлари бошчилик қиладиган идора ва ташкилотдан асосий иш жойидан ажралган ва лавозим маоши сақлаб қолинган ҳолда 2-сектор штабининг ишчи гуруҳ котиби этиб, Богот туман мажбурий ижро бюроси масъул ходими **Сапаев Анварбек Эркинбоевич** тайинлансин.

2. Секторлар штаби фаолиятини тизимли равишда йўлга қўйиш мақсадида сектор раҳбарлари томонидан бириктирилган котибга бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус фондига ажратилган маблағлар ҳисобидан хар ойда қўшимча равишда лавозим маошининг эллик фоизигача миқдорда устама ҳақ тўлаш вазифаси топширилсин.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги «Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4102-сонли қарори, туман прокуратурасининг 2020 йил 30 ноябрдаги №2с/10-1-20-сонли хати.

Богот туман ҳокими :

О.Холбоев